



Analysis of sources on the history of the education system of Uzbekistan in the 20–30s of the XX century

Mukhayyokhon ERGASHEVA¹

Andijan State Pedagogical Institute

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2023
Received in revised form
15 July 2023
Accepted 25 July 2023
Available online
15 August 2023

Keywords:

historical process,
Russia,
approach,
education system,
Uzbekistan,
colonialism.

ABSTRACT

The research of the historical process of all periods based on real cases, the analysis of resources related to this time period, data visualization and, of course, comparative analysis are indispensable approaches to the study of historical science. Educational reforms are an important aspect of any time period. In the history of our country, the issue of eradicating illiteracy was actively discussed at the initial stage of the Russian colonial period, and state policy reached the level of the formation of reasonable laws.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss6/S-pp24-32>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

XX асрнинг 20–30-йилларида Ўзбекистон маориф тизими тарихига оид манбалар таҳлили

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

тарихий жараён,
Россия,
ёндашув,
маориф тизими,
Ўзбекистон,
муштамлакачилик.

Ушбу мақолада барча даврнинг тарихий жараёнини реал ҳолатлар асосида ўрганиш учун ушбу даврга оид манбаларни ўрганиш, маълумотларни таҳлил этиш жараёни ва албатта қиёсий таҳлиллар қилиш тарих фанининг ўрганилиш жараёнига ҳаққоний ёндашув ҳисобланиши, таълим соҳасидаги ислохотлар ҳар бир давр учун муҳим масала эканлиги, юртимиз тарихида Россия муштамлакачилик даврининг бошланғич босқичида саводсизликни тугатиш масаласи кенг тарғиб этилиб, асосли қонунлар билан давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги тўғрисида сўз борган ҳамда фикрлар баён этилган.

¹ Independent researcher, Andijan State Pedagogical Institute. Andijan, Uzbekistan.
E-mail: mukhayyo.ergasheva1988@gmail.com

Анализ источников по истории системы просвещения Узбекистана в 20–30-е годы XX века

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

исторический процесс,
Россия,
подход,
система образования,
Узбекистан,
колониализм.

Изучение исторического процесса всех периодов на основе реальных кейсов, анализ ресурсов, относящихся к этому временному отрезку, визуализация данных и, конечно, сравнительный анализ – это незаменимые подходы к изучению исторической науки. Реформы в сфере образования являются важным аспектом любого временного периода. В истории нашей страны вопрос об искоренении неграмотности активно обсуждался на начальном этапе российского колониального периода, а государственная политика достигла уровня формирования разумных законов.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг 1920–1930 йиллардаги таълим тизими ва унда хотин-қизларнинг иштироки масаласига оид илмий адабиётларни мафкуравий мазмуни ва назарий-методологик жиҳатларига кўра 3 та гуруҳга ажратган ҳолда таҳлил этиш мумкин: 1-гуруҳ – совет ҳокимияти йилларида яратилган асарлар; 2-гуруҳ – Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида яратилган тадқиқотлар; 3-гуруҳ – хориж давлатларида амалга оширилган тадқиқотлар.

Илмий адабиётларнинг жуда катта, салмоқли қисми биринчи гуруҳ адабиётлари ҳисобланади. Чунки совет ҳокимияти йилларида бутун совет давлатида, шу жумладан, Ўзбекистонда халқ таълими тизимининг ривожланиши, хотин-қизларнинг таълим тизимида кенг иштироки масалаларига бағишланган жуда кўплаб асарлар яратилган.

1917 йилдаги Октябрь тўнтариши натижасида ҳокимиятни қўлга олган большевиклар собиқ Россия империясининг катта ҳудудларини ўз таъсирига олиб, бу ҳудудларда ўзларининг янгича тартиб-қоидаларини ўрната бошладилар. Совет Россияси ташкил этилгани эълон қилинганидан кейин ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида эркалар ва аёлларнинг ҳуқуқий тенглиги белгиланди ва бу қоида РСФСРнинг Конституциясига ҳам киритилди, у Совет республикалари, жумладан, Туркистон Автоном Республикасининг 1918 йил октябрда қабул қилинган конституциясига ҳам киритилди.

Аёлларнинг саводсизликни тугатиш жараёнларига тортилиши ва уларнинг социалистик жамият қурилишида иштироки масаласини ёритувчи дастлабки муҳим назарий материаллар таниқли партия ва совет арбоблари М.И. Калинин, С.М. Киров, Н.К. Крупская, А.В. Луначарский, А.М. Коллонтай ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган. Айни пайтда совет давлатида хотин-қизлар масаласи тарихи жамиятшунослар томонидан ҳам ўрганилган. Уларнинг асарларида бутун мамлакатдаги совет-партия ташкилотларининг аёллар ўртасида олиб борган ишларининг шакл ва усуллари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда маориф қурилиши масаласига бағишланган дастлабки назарий қарашлар ўша даврдаги А. Икромов, Ф. Хўжаев, Й. Охунбобоев, И. Зеленский каби давлат ва жамоат арбобларининг даврий матбуот саҳифаларида

эълон қилинган мақолалари ҳисобланади. Бу мақолаларда Ўзбекистондаги совет тузумининг моҳияти, совет давлатининг таълим соҳасида амалга ошираётган сиёсати мазмуни каби назарий жиҳатлар баён этилган.

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, бир қатор миллий республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон ССР ташкил топганидан кейин республикадаги миллий зиёлилар икки гуруҳга бўлиниб қолди. Биринчи гуруҳга мансуб зиёлилар аввалги миллий маориф тарафдори бўлиб, улар янги совет таълим тизимига мойил эмас эдилар. Иккинчи гуруҳ зиёлилари эса совет тузumi ва у амалга ошираётган маориф соҳасидаги ислохотларга тарафдор бўлиб майдонга чиқдилар ва уни қўллаб-қувватладилар. Бу гуруҳдаги зиёлилар қаторида Ҳамза Ҳакимзода, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Шокир Рахимий, Садриддин Айний кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкинки, улар томонидан ўша йилларда эълон қилинган ишларда совет маорифининг ижобий жиҳатлари таҳлил этилади.

XX асрнинг 30–40-йилларидан эътиборан, Ўзбекистондаги маориф ва маданий қурилиш масалалари тарихшунослик жиҳатидан ҳам таҳлил этилиб, бу мавзу бўйича бир қатор китоб ва тўпламлар нашр этилди. Ушбу асарларда Ўзбекистондаги “социалистик маданият” қурилиши ва унинг республикадаги ўзига хос жиҳатлари ўн йилликлар мисолида тарихшунослик нуқтаи назаридан баён этилган. Уларда маданий қурилишнинг таркибий қисми бўлган халқ таълими тизими масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган. Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРда 1920–1940 йилларда мактаблар ва саводсизликни тугатиш курсларининг ташкил этилиши ва уларга болалар билан бир қаторда катта ёшдагиларни ҳам қамраб олиниш масалалари қатор мисоллар билан очиб кўрсатилган. Келтирилган фактлар ва рақамлар Ўзбекистонда совет мактаблари сони ва мактаб таълимига жалб этилган ўқувчилар миқдори йил сайин кўпайиб бoрганлини кўрсатади. Бу асарларда эътибор берилган яна бир мавзу бу хотин-қизлар масаласидир. Чунки, совет ҳокимиятининг биринчи йиллариданоқ хотин-қизлар масаласи ва уларни саводли қилиш, сиёсий-маданий жараёнларга сафарбар қилиш совет тузумининг асосий фаолият йўналишларидан бири саналган.

1960–1970 йилларда бутун Совет Иттифоқи миқёсида, шунингдек, Ўзбекистонда маориф, маданият қурилиши ва ривожланиши масалаларига бағишланган бир қатор илмий асарлар юзага келди. Бу асарлар манбавий жиҳатдан жуда кенг асосга эга бўлиб, уларда бутун мамлакатдаги маданий қурилиш, саводсизликни тугатиш масалалари назарий жиҳатдан асосланган. Уларда миллий республикалардаги, яъни Ўзбекистондаги мактаб тизими ва хотин-қизларнинг мактаб-маориф ривожига иштироки масалаларига ҳам кенг эътибор берилган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги аёлларнинг сиёсий-маданий фаолияти масалаларига оид қимматли материаллар “Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана (1917–1936 гг.)” номли илмий мақолалар тўпламидан ўрин олган. Тўпламга киритилган мақолаларда Ўзбекистон хотин-қизларининг паранжи ташлаб “озодликка” чиқиши, уларнинг совет давлати маориф тизимидаги ва бошқа идораларидаги фаолиятига доир маълумотлар жамланган.

Ўзбекистондаги хотин-қизларнинг “социалистик қурилиш”даги иштироки, яъни уларнинг мактабларга, педагогика билим юртларига тортилиши, турли партия-совет идораларидаги ишларга жалб этилиши масаласи, партия-совет ташкилотларнинг республика хотин-қизлари ўртасида амалга оширган кенг қамровли тадбирлари Х.С. Шукурова, М. Ғаффорова, Р.А. Набиева, Р.Х. Аминова ва бошқаларнинг асарларида ҳар томонлама ва чуқур ўрганилган.

1971 йилда нашр этилган “Ўзбекистон ССР тарихи”нинг 3-томида Туркистон ўлкасида большевиклар ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги даврда социалистик маданият қурилиши масаласи, аввало халқ маорифини йўлга қўйиш, мактаблар тармоғини барпо қилиш ва уларнинг моддий таъминотини таъминлаш масалалари анча кенг ва атрофлича ёритилган. Ушбу асарда Ўзбекистондаги саводсизликни тугатиш тадбирлари, аёлларни саводсизликни тугатиш мактабларига жалб қилиш жараёнларига ҳам катта эътибор берилган.

Ўзбекистондаги халқ таълими тизими тарихини ўрганишга тарихчи олимлар Э.Қ. Қодиров, Н. Раҳмонов, Ф. Шариповлар жуда катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг асарларида Ўзбекистонда 1920–1930 йилларда янги типдаги совет мактабларининг ташкил топиши ва ривожланиш жараёнлари тарихи катта ва кенг турдаги манбалар базасига асосланган ҳолда таҳлил этилган.

Умуман, совет ҳокимияти йилларида бутун совет давлатида ва шу жумладан, Ўзбекистонда халқ таълимининг ривожланиши ва унда хотин-қизларнинг иштироки масаласи маълум даражада ўрганилган жуда қўплаб илмий адабиётлар яратилди. Бу илмий адабиётларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда бутун жараёнлар совет мафкураси бўйича таҳлил этилди. Таълим соҳасида миллий хусусиятларнинг бекор қилиниши, аксарият совет тартиб-қоидаларининг миллий республикаларда мажбуран жорий этилишига фақат ижобий жараёнлар сифатида баҳо берилди.

Мавзуга тегишли адабиётларнинг **иккинчи гуруҳини** Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида яратилган асарлар киради. Ўзбекистон ўз истиқлолига эришган дастлабки йилларданоқ турли мафкуравий ғоя ва қарашлардан холи бўлган илмий асарлар яратилди, уларда Ўзбекистон тарихининг турли даврларида кечган воқеа-ҳодисалар ҳолисона ёритила бошланди. Бу каби асарларда совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистондаги таълим тизими ва унинг ривожланиш хусусиятлари ҳам янгича руҳда ўрганилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини тарихчи олималардан Р.Х. Аминова, Д.А. Алимова миллий ғоя асосида бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этдилар. Жумладан, Р.Х. Аминова ўзининг “Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари” номли рисоласида аёлларнинг олий умумтаълим даражаси уларнинг касбий машғуллигига мос келмаётганлиги, уларнинг кам малакали ёки малакасиз меҳнат билан машғуллиги эркакларга нисбатан ортиқ эканлигини таъкидлаб, шундай деб ёзади: “Жумҳурият саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати билан машғул аёллар улуши мамлакатга нисбатан юқори. Республика саноатида қўл меҳнати салмоғи 35,3 фоизни ташкил этса, аёллар орасида эса 42,5 фоиздан иборат бўлди. Ҳали аёлларнинг оғир жисмоний меҳнати тугатилмаган”.

Олима бу муаммоларнинг икки гуруҳини кўрсатиб ўтади, яъни биринчиси, аёллар меҳнати одатда кўп бўлган ишлаб чиқаришда техник жиҳозлаш даражасининг етарли эмаслиги, иккинчиси эса аёлларни касбга тайёрлаш қониқарли даражада эмаслигидан иборат. Тарихчи олима “Қайта қуриш” сиёсати турғунлик йилларида тўпланиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, маиший ҳаётидаги муаммоларини ошқора айтиш имконини берганлиги, лекин шунга қарамай, 70 йил мобайнида оилада сақланиб қолган эскича муносабатлар аёлларнинг ҳақиқатни айтишларига имкон бермай, уларни чорасизликка, айниқса ички исённи ифода этишнинг энг оғир йўли бўлган – ўзини-ўзи ёқишига олиб келганлигини афсус билан ёзади. Д.Алимованинг илмий монографиясида хотин-қизлар муаммоси кенг қамровли ҳужжатли манбалар ва архив материалларини таҳлил қилиш асосида танқидий равишда ўрганилган. Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг тутган ўрни тарихшунослик нуқтаи назаридан ёритиб берилди. Шунингдек, олима хотин-қизлар масаласида – фақат “Ҳужум” ҳаракати янгича асосда баҳоланса-да, унинг тарихи ва “аёллар кооперацияси” масаласи, хотин-қизларнинг аҳволига қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсатининг таъсири, 1925–1929 йиллардаги ер-сув ислохотининг хотин-қизлар эмансипациясидаги роли, ушбу йўналишдаги жамоат ташкилотларининг фаолияти, ижтимоий ишлаб чиқаришга хотин-қизларни жалб қилиш, янги типдаги хотин-қизларнинг шаклланиши билан маданий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлиги каби масалалар миллий истиқлол мафкураси асосида ўрганилиши долзарблигича қолганлигини таъкидлайди. Олиманинг бир қатор илмий мақолаларида оила ва жамиятда аёл мавқеи билан боғлиқ анъанавий, ижтимоий қарашлар ҳамда уларнинг тарихий илдизлари илк бор илмий асосда ёритиб берилди. 1990-йилларининг иккинчи ярми ва 2000 йилларда янги тарихий тафаккур руҳида, янгича ёндашув ва методология асосида тарих фани ва ижтимоий фанларнинг яъни, иқтисод, фалсафа ва ҳуқуқ сингари деярли ҳамма соҳаларида аёллар аҳволини ўрганишга эътибор қаратилиб, хотин-қизлар масаласига оид бир қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинди. Ушбу диссертацияларда тадқиқ этилаётган даврдаги совет ҳокимиятининг хотин-қизларга муносабатининг мустамлакачилик моҳияти миллий ғоя асосида, илмий тарзда, холис ёритиб берилган. Лекин, бу тадқиқотларда муаммонинг айрим жиҳатлари ўз ифодасини топган. Я.А. Абдуллаеванинг “Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср” номли монографияси ва мақолаларига алоҳида тўхтаб ўтиш жоиз. Уларда архив ҳужжатларига асосланган илмий хулоса ва кенг маълумотлар берилган. Я.А. Абдуллаева ўз монографиясида совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг хотин-қизлар ўртасида олиб борган сиёсатининг қарама-қарши характерга эга бўлганлигини, ижобий ва салбий аҳамият касб этганлигини, улар орасида иш олиб боришнинг махсус иш услублари, шакллари, механизмлари мажмуи яратилганлигини биринчи бўлиб аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берган. Советлар ва коммунистик партия томонидан олиб борилган ишларнинг таснифини яратган.

Муаммо тарихшунослигида **учинчи гуруҳ** адабиётларини хориж тадқиқотлари ташкил этади.

Совет мамлакатадаги хотин-қизлар масаласи бўйича хориж тарихшунослигида ҳам салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган. Совет Россиясидаги хотин-қизлар масаласидаги дастлабки хорижий тадқиқотлардан бири Р. Стайтснинг монографияси бўлиб, унда XIX аср охири – XX аср бошларидаги Россиядаги, шу жумладан Совет давлатидаги хотин-қизлар бўйича давлат сиёсати ва хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш бўйича амалга оширилган тадбирлар таҳлил этилган. Тадқиқотчи большевиклар томонидан амалга оширилган “инқилоб”нинг аёллар озодлигига таъсири, хотин-қизларни таълим тизимига жалб этиш, уларнинг завод-фабрикалар ишлаб чиқаришига тортиш жараёнларига урғу берилган.

Умуман, совет хотин-қизлари тарихи масаласи ғарб тарихчилари томонидан большевиклар томонидан илгари сурилаётган коммунистик ғояларнинг утопик мазмунга эгаллиги, улар томонидан илгари сурилаётган хотин-қизлар тенглиги шиори амалга ошмайдиган ваъдалар экани Алена Хайтлингернинг “Марксизм, феминизм ва жинслар тенглиги” мақоласида илгари сурилган. М. Баклининг фундаментал монографиясида ҳам совет давлатидаги хотин-қизлар масаласи бутун совет даври (1917–1989 йиллар) бўйича ўрганилган. Муаллиф совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йиллигида аёллар саводхонлиги бўйича большевиклар томонидан амалга оширилган тадбирлар катта ижобий аҳамиятга эга бўлгани, саводли бўлган хотин-қизларнинг кейинчалик жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кенг йўл очиб берганига эътибор қаратган.

Хориж тадқиқотчилари совет мамлакатадаги хотин-қизларга бўлган муносабат борасидаги давлат сиёсати масаласини ҳам таҳлил этганлар. Жумладан, тадқиқотчи А. Холт 1920 йилларда совет ва партия арбоблари томонидан илгари сурилган назария ва сиёсий амалиёт намуналарини келтирган. Бошқа бир тадқиқотчи Р. Мак Нил эса ўз тадқиқотда совет ҳокимиятининг илк йилларидаги хотин-қизлар бўлимлари фаолиятини таҳлил қилар экан, уларни совет тузуми бюрократиясининг бир кўриниши сифатида хулоса чиқаради. АҚШлик тарихчилар совет давлатидаги хотин-қизлар сиёсати масаласига ички психологик фактор сифатида баҳо бериб, хотин-қизларни асосан мажбуран инқилоб ғояларига йўналтирилишига урғу берганлар.

Яна бир АҚШлик тадқиқотчи Е.А. Вуд эса ўз тадқиқотида совет давлатидаги хотин-қизлар бўлимлари фаолиятига катта баҳо бериб, хотин-қизлар бўлимларининг аёлларни инқилобий ҳаракатлардаги иштирокида катта аҳамиятга эга бўлганини таъкидлаган.

1991 йилда АҚШда нашр этилган коллектив асарда совет мамлакатадаги хотин-қизлар масаласининг турли жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, унда аёлларни таълим олишга кенг жалб этилиши, уларнинг сиёсий фаоллигини ошишига сабаб бўлгани алоҳида эслатиб ўтилган.

1917–1936 йиллардаги совет мамлакатадаги давлатнинг хотин-қизлар масаласидаги сиёсатининг ҳар томонлама таҳлили Венди Голдманнинг ишида амалга оширилган. Бунда аёллар ўртасидаги саводсизликни тугатиш масаласи ҳам анча батафсил таҳлил қилинган.

Умуман, юқорида кўриб ўтилган хориж тадқиқотларида хотин-қизлар сиёсати масаласи. Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигининг ошиб бориши жараёнлари умум иттифоқ миқёсида, ягона муаммо сифатида тадқиқ этилган. Бу

тадқиқотларда совет давлати таркибидаги алоҳида республикалар, хусусан, Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРдаги хотин-қизлар таълимининг ўзига хос жиҳатларига алоҳида тўхтаб ўтилмаган.

Совет давлати қулаб, мустақил давлатлар ташкил топганидан кейин собиқ совет республикаларида совет тузуми давридаги хотин-қизлар масаласига тамоман янгича нуқтаи назардан баҳо бериш бошланди. Бу борада МДХ давлатлари тадқиқотчилари томонидан амалга оширилган ишлар салмоқли ўрин эгаллайди. Россиялик тадқиқотчи О.А. Хасбулатованинг илмий мақоласи алоҳида аҳамиятга эга. Муаллиф советларнинг аёлларга нисбатан давлат сиёсати учта асосий босқичини санаб ўтади ва биринчи босқич сифатида 1917–1930 йиллар сиёсатини таъкидлайди: 1917–1930 йилларда эркаklar ва аёллар ҳуқуқлари тенглиги Совет ҳукуматининг мафкуравий вазифасига айланган эди. Мафкурачи ролини ўйнаган Коммунистик партия ишлаб чиқариш соҳасида аёллар меҳнатининг улушини оширишни зарур деб ҳисоблади, бу эса аёлнинг ижтимоий мавқеини белгиловчи асосий омил унинг ижтимоий самарали меҳнатдаги иштирокидир деб ҳисобловчи марксистик назариётчиларнинг тушунчаларига тўлиқ мос келади.

Тожикистонлик тадқиқотчи, тарих фанлари номзоди Г. Муҳаббатова 2004 йилда “Тожикистон Республикасидаги маданий ўзгаришларга хотин-қизларнинг ҳиссаси: 1924–1941 йиллар” мавзусида илмий-тадқиқот ишини ҳимоя қилди. Диссертацияда мавзусининг долзарблиги қисмида айтилишига асос бўлган Тожикистон аҳолисининг 52 фоизини аёллар ташкил этиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш, суверен Тожикистонда тинчликни барқарорлаштириш кўп жиҳатдан аёлларнинг жамиятдаги ролини оширишга боғлиқ эканлиги таъкидланган. Шунингдек, аёлларнинг 20-йилларнинг бошларида халқ таълими ташкил этилиши ва ривожланишидаги роли, катта ёшли аҳоли ўртасида саводсизликни тугатишдаги иштироки, мактаб таълимида аёллар фаолияти, уларнинг маданий-маърифий муассаса ишларига ҳамда профессионал касбий фаолиятга жалб этилиши ҳақида тарихий архив ҳужжатлари асосида илмий хулосалар берилган. Яна бир тадқиқотчи, тарих фанлари доктори М. Зикриева “Тожикистонда хотин-қизлар масаласининг тарихшунослиги” мавзусида илмий изланиш олиб борган. Диссертацияда Тожикистон мустақиллигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилиши аҳолисининг 52 фоизини ташкил этган аёлларнинг ижтимоий мавқеини юксалтиришни амалда таъминлаш билан боғлиқ эканлиги таҳлил этилган. Татьяна Щурко “Совет Қирғизистонида совет даврининг дастлабки йилларидаги (1918–1930 йй.) Ҳужум: хотин-қизлар озодлиги “синов-тажриба” сифатида” номли илмий мақоласида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши нафақат сиёсий тизимнинг ўзгаришига, балки ижтимоий тартиб ва аёлларнинг ҳаётига ҳам таъсир этганини, уларни уй-рўзғор юмушларидан ажратган ҳолда, бола тарбиясига янгича ёндашув асосида “оналик мажбуриятининг бир қисмидан озод қилиш”, бўш вақтни эса таълим ва меҳнат учун сафарбар этиш каби муносабатлар шаклланишига олиб келганлиги таҳлил этилади. Шунга кўра, совет ҳокимияти шаклланишининг дастлабки даври таълим тизимида, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, болалар муассасалари ташкил этилиши билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар билан ажралиб турди. Советлар томонидан “аёлларни озод қилиш” лойиҳаси негизида

улардан ишчилар сафини тўлдириш ва ишчи сифатида жамиятдаги мавқеини қайта кўриб чиқиш ҳам режалаштирганини, шунингдек, оиладаги “анъаналарни” ўзгартириш орқали, дефамилизация амалиёти болаларнинг таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини яратиш, таълим муассасаларида ижтимоий хизматларни жорий этиш орқали ривожланиб борганлигини таъкидлайди. Хотин-қизларни “озод қилиш”га йўналтирилган совет модели асосида амалга оширилган чора-тадбирлар аёлларнинг ижтимоий мавқеига жиддий таъсир кўрсатди. Улар таълим олиш, меҳнат қилиш, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлишди. Шунингдек, оналар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимларининг асослари яратилди. Бироқ, бу каби тадбирлар советлар манфаатига хизмат қилгани ҳолда, миллий ўзига хослик, оилавий қадриятларни инкор қилиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилди, тенг ҳуқуқларнинг кафолатлари жамиятдаги аёлларга нисбатан камситиш билан бирлаштирилди. Собиқ иттифоқ парчаланганидан сўнг, совет давлатининг “шарқ аёлини озод қилиш сиёсати”нинг “мажбурий” ва “мажбурловчи” хусусиятига жавобан неоконсерватив тенденцияларнинг кучайиши кузатилди, дея таъкидлайди муаллиф. Хотин-қизларга муносабат масаласида Қозоғистонда тадқиқотчилардан Д.Қосимова, А.Абдуллабекова кабилар ҳам илмий изланиш олиб боришган бўлиб, совет ҳокимиятининг аёлларни “озод қилиш” сиёсати уларни патриархал муносабатлардан халос этиш ниқоби остида ислом дини ва шариат қонун-қоидаларига қарши кураш билан бирга олиб борилганлигини таъкидлашади. Советлар аёлларга рамзий сиёсий капитал сифатида қараб, улардан иқтисодий ресурс, ёш авлодни коммунистик мафкура манфаатлари асосида тарбияловчи ўз сиёсатининг хайрихоҳлари сифатида фойдаланишга ҳаракат қилишганини, шунингдек, ташқи дунёда Ўрта Осиёлик аёллар шарқ аёлларини “озод қилиш” миссиясида эришилган “ютуқлар”да рамзий тимсол бўлишганини қайд этишган. “Хужум” кампанияси, ҳеч шубҳасиз, Ўрта Осиё тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳақиқатдан ҳам, XX асрнинг 20–30-йиллари Ўрта Осиё минтақаси аёллари тақдирида туб бурилиш ясади. Ўрта Осиё халқларининг дини, тарихи, маданияти, урф-одатини ўзгартиришга қаратилган сиёсат оқибатида аёлларнинг турмуш тарзи, ижтимоий фаоллиги, жамиятдаги ўрни, ижтимоий ҳуқ-атвори тубдан ўзгарди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Калинин М.И. О коммунистическом воспитании. – Москва, 1968; Киров С.М. О народном воспитании и просвещении. – Москва, 1969.
2. Крупская Н.К. Женщина в стране социализма. – Москва, 1938.
3. Крупская Н.К. Заветы Ленина о раскрепощении женщины. – Москва, 1933.
4. Крупская Н.К. О женском профессиональном образовании. Том 2. – Москва, 1978.
5. Икрамов А. О задачах культурной революции. “Правда Востока”, 1925 года 12 май.
6. Ходжаев Ф. 10 лет борьбы и строительства. – Самарканд, 1928.
7. Ахунбабаев Й. Культурные достижения Узбекистана // Революция и национальность. 1932. №1.;
8. Зеленский И.А. В борьбе за культуру // За партию. 1928. №3.
9. А.Фитрат, Темур сағанаси. – Тошкент, 1922. Рахимий Ш. Просвещение узбеков // Наука и просвещение. 1922.

10. Қори Ниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: Уздавнашр, 1957; Раджабов С. Из истории строительства советской школы в Узбекистане. – Ташкент: Учпедгиз, 1957.

11. Куманев В.А. Ленинский комсомол в борьбе за всеобщую грамотность в СССР. – Москва, 1960. – 64 с.;

12. Королёв Ф.Ф., Корнейчик Т.Д., Равкин З.И. Очерки по истории Советской школы и педагогики 1921-1931. – Москва: 1930.